



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ХЕПИЛОР®

Препаратнинг савдо номи: Хепилор®

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): гексетидин, холин салицилати, хлорбутанол гемигидрати

Дори шакли: оғиз бўшлиғи учун спрей.

Таркиби:

1 мл спрей куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: 100% моддага қайта ҳисоблаганда 1 мг гексетидин, 100% моддага қайта ҳисоблаганда 5 мг 80% ли холин салицилати, 100% сувсиз моддага қайта ҳисоблаганда 2,5 мг хлорбутанол гемигидрати;

ёрдамчи моддалар: 96% ли этанол, натрий сахарини, полисорбат 20, пропион кислотаси, лимон мойи, юлдузчали анис мойи, ментол (левоментол), эвкалиптол, тозаланган сув.

Таърифи: тиниқ ёки енгил товланувчи, ўзига хос хушбўй ҳидли ва спирт-анис таъмли, пуркагич билан таъминланган, клапан-насосли флаконда жойлашган суюқлик. Препарат флакондан аэрозоль струя ҳолида пуркаш орқали чиқарилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: ЛОР азолари касалликларини даволаш учун восита.

АТХ коди: R02AA20.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Дори воситасининг таъсири учта фаол компонентлари билан боғлиқ.

Антибактериал ва замбуруғларга қарши фаоллиги.

Гексетидин микроорганизмларнинг грамусбат ва грамманфий штамmlарига, ҳам аэроб, ҳам анаэробларга нисбатан антибактериал ўзаро таъсирга эга.

Аэроб штамmlарга нисбатан умуман бактериостатик таъсирга эга, бактерицид таъсири кучсиз. Анаэроб штамmlарга нисбатан эса гексетидин яққол бактерицид таъсирга эга. Таъсир механизми тиамин билан рақобатли таъсирдан иборат: гексетидинни тузилиши микроорганизмларни ўсиши учун керак бўлган тиаминни тузилиши билан ўхшаш.

Яллиғланишга қарши фаоллиги.

Холин салицилати оғриқни қолдирувчи, иситмани туширувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш учун.

Оғриқни қолдирувчи фаоллиги.

Хлорбутанол оғриқни қолдирувчи таъсирга эга. Уни хусусан отоларингологияда (бурунга томчи, чайиш) ва стоматология амалиётида (аппликацияда ва ювишда) қўллаш мумкин. Классик тарзда антисептик сифатида қўллаш мумкин.

Фармакокинетикаси

Фаол моддалари оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида мустаҳкам жойлашади, у ердан аста-секин чиқарилади.

Қўлланилиши

Оғиз бўшлиғи ва оғиз-халқумнинг шиллиқ қаватининг касалликларини маҳаллий даволаш учун антибактериал ва оғриқни қолдирувчи восита сифатида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Оғиз бўшлиғини чайиш учун маҳаллий қўлланади.

Катталар ва 15 ёшдан катта болалар: 1 пуркашдан суткада 4-6 марта.

6 дан 15 ёшгача булган болалар: 1 пуркашдан суткада 2-3 марта.
Даволаш курси -5 кундан кўп эмас.

Болалар

Дори воситаси 6 ёшдан катта болаларда қўлланилсин.

Ножўя таъсирлари

Иммун тизими томонидан: ўта юқори сезувчанлик реакциялари, шу жумладан эшакеми, ангионевротик шиш, ларингоспазм, бронхоспазм.

Нерв тизими томонидан: агевзия, дисгевзия, таъмни ҳис қилишини 48 соат давомида ўзгариши (“ширинни” ҳис қилиш “аччиқни” ҳис қилишга ёки аксинча икки марта ўзгариши мумкин).

Нафас тизими, кўкрак қафаси аъзолари ва кўкс оралиғи томонидан: йўтал, ҳансираш.

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан: оғизни қуриши, дисфагия, сўлак безларини катталашуви, ютинганда оғриқ. Препаратни тасодифан ютиб юборилганда меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлари, энг аввало кўнгил айнаши ва қусиш пайдо бўлиши мумкин.

Тери ва тери ости клетчаткаси томонидан: аллергияк контакт дерматит, тери реакциялари (тошма).

Умумий бузилишлар ва қўллаш жойидаги ҳолатлар: маҳаллий реакциялар - тишларни ва тил рангини қайтувчан ўзгариши; шиллиқ қаватни сезувчанлиғи, хусусан ачишиш, қарахтланиш ҳисси; тил ва/ёки оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини таъсирланиши (оғриқ, қизиб кетиш ҳисси, қичишиш); сезувчанликни пасайиши; шиллиқ қаватни парестезияси; яллиғланиш; пуфакчалар; шиллиқ қаватда яраларни пайдо бўлиши; томоқда қичиши ҳисси; теккан жойида шиш, бурун/томоқ шиллиқ қаватини қуриши қузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Дори воситасининг компонентларига ўта юқори сезувчанлик.
- Атрофик фарингит;
- Бронхиал астма ёки уларнинг ўта юқори сезувчанлиғи билан боғлиқ бўлган нафас йўлларининг бошқа касалликларида қўллаш мумкин эмас.
- 6 ёшгачан бўлган болаларда
- Хомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас

Дориларнинг ўзаро таъсири

Антисептикларни сакловчи препаратлар билан бирга қўлланмасин.

Гексетидин бошқа ишқорий эритмалар билан фаолсизлантирилиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Препарат этанол сақлаганлиғи туфайли уни қўлланганда ютиб юбормаслик ва кўзга тушишидан сақланиш керак, чунки у этанол сақлайди.

Дори воситасини тутқаноғи бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим. Препарат болаларда тутқанок бўсағасини камайтириши ва тиришишларни чақириши мумкин.

Аллергияк реакцияларга, жумладан бронхиал астмага мойиллиғи бўлган, айниқса ацетилсалицил кислотасига аллергияси бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим.

Препаратга ўта юқори сезувчанлик реакцияларининг белгилари пайдо бўлганида уни қўллашни дарҳол тўхтатиш лозим.

Препарат этанол сақлаганлиғи туфайли, уни жигар касаллиғи бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан буюриш лозим.

Препаратни узоқ вақт қўллаш тавсия қилинмайди, чунки бактериялар ва замбуруғларни тарқалиш хавфи бўлган оғиз бўшлиғи ва томоқда табиий микроблар мувозанати ўзгариши

мумкин.

Бактериал инфекциянинг умумий клиник белгилари пайдо бўлганида, умумий антибактериал даволашни буюриш лозим.

Агар симптомлар 5 кундан ортиқ давом этса ва/ёки тана ҳарорати юқори бўлса даволаш тактикасини қайта кўриб чиқиш лозим.

Яллиғланиш кучайса даволашни бекор қилиш керак.

Ушбу дори воситаси этанолнинг (алкоголь) озгина миқдорини сақлайди, 100 мг/дозадан кам.

Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланиши

Гексетидинни одамларда йўлдош орқали кириши ва кўкрак сути билан чиқарилиши тўғрисида текширишлар йўқ, шунинг учун препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.

Автотранспортни ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти

Препарат этанол сақлайди. Ҳайдовчиларга препаратни қўллангандан кейин 30 минут давомида автомобилни бошқариш тавсия қилинмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Дори воситасининг дозасини ошириб юборилиши ҳақида хабарлар тушмаган.

Оғиз бўшлиғида эритманинг етарли миқдорини сўрилиши натижасида таркибида этил спирти сақлаганлиги сабабли алоголли интоксикация келиб чиқиши мумкин.

Агар препаратни кўрсатма бўйича қўлланса, препаратда гексетидиннинг концентрацияси токсик ҳисобланмайди.

Ўткир алкоғолли интоксикацияни пайдо бўлиш эҳтимоли жуда кам. Агар бола препаратни аҳамиятли даражадаги дозасини ютиб юборган бўлса, этил спиртини сақланганлиги сабабли алкоғолли интоксикация пайдо бўлиши мумкин.

Ўта юқори сезувчанлик реакцияларни пайдо бўлишига олиб келган гексетидинни ҳаддан зиёд қўллаш ҳолатлари йўқ.

Дозани ошириб юборилишини даволаш симптоматик, ва кам ҳолларда зарур ҳисобланади. Болани флаконнинг ичидагисини ютиб юбориши ҳолатларида дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим. Ютиб юборилгандан кейин 2 соат давомида меъдани ювишни ўтказиш имкониятини ва алкоғолли интоксикация белгиларини бартараф қилиш чораларини қайта кўриб чиқиш керак.

Чиқарилиш шакли

20 мл ёки 50 мл дан флаконда. Насос-дозатор ва пуркагич ёки адаптерли пуркагичли 1 флакон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга кутида.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Музлатилмасин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

«Фармак» АЖ. Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 63.

Ишлаб чиқарувчининг жойи ва фаолиятини амалга ошириш жойининг манзили
Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 74.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича шикоятларни (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

"Фармак" АЖ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

100170 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Зиёлилар кўч. 12а,
1/2

e-mail: info@farmak.ua

Тел: +998 (71) 235-77-13